



Одатдагидек уйидан барвакт чикиб суд биноси томон йўл оларкан, Перголез кўчаси бўйлаб ўзидан олдинроқда кетаётган кишининг куюшкондан ташкари хатти-харакатлари инспектор Ганимарнинг эътиборини тортди. Бу йўловчининг эгнидаги кийимлари жуда ночор, декабрь ойи бошланганига карамасдан похол шляпани бошига бостириб кийиб олган. Ўттиз ёки қирк метр юргач тўхтар, шимини тўғрилар, ботинкасининг ипини боғлар ё бўлмаса эгилиб ердан ниманидир оларди. Ва хар сафар бир бўлак апельсин пўчоғини яширинча йўлак четига кўярди. Балки бу галати одамнинг ўйлаб топган ўйини ёки болаларга хос эрмак бўлиб, ҳеч кимни кизиктирмаслиги мумкин. Лекин Ганимар шунака кузатувчан, зийрак, ҳамма нарсага эътибор берадиган, токи мантикий жавоб топмагунча тинчимайдиган кишилар жумласидан. Шу боис Ганимар бу ажабтовур одамнинг изидан тушди. Нотаниш йўловчи Grane Armee кўчасига бурилгач, йўлнинг нариги четидан бораётган болага сирли бир ишора қилганини пайкаб қолди инспектор. Йўловчи тўхтади ва шимининг пойчасини тўғрилади. Шу жойга бир бўлак апельсин пўчоғи билан белги қўйди. Худди шу лахзада йўлнинг нариги четидаги бола ўзи яқинлашган уй деворига бўр билан хоч расмини чизди ва уни айлана ичига олди. Улар шу тарика йўлда давом этишди. Бир дақиқадан кейин яна тўхташди. Похол шляпа эгаси ердан игна тўғноғич топиб олди ва бу жойга ҳам бир бўлак пўчокни яшириб қўйди, бола эса ўша ердаги уй деворига хоч чизиб, уни доира ичига олди.

"Юпитер хакига касам ичаман!– ўйлади инспектор ва унинг юзида шайтоний бир қулғу зухур этди.– Бу жуда кизик ва кўп нарса ваъда қилувчи ҳолат... Бу иккови нима қилмоқчи ўзи?"

Гаройиб жуфтлик Фридланд ва Форбург – Сент-Оноре кўчаларидан ўтишди, лекин диққатга молик бир ҳолат рўй бермади. Вакти-вакти билан улар кўшалок белги қўйишар ва буни гўё беихтиёр бир ҳаракат билан бажарардилар. Шунга карамай шляпали одам уй деворига хоч белгиси қизилганига ишонч ҳосил қилмагунча апельсин пўчоғи билан белги қолдирмасди. Бундан кўринадики: гаройиб йўловчилар ўртасида қандайдир келишув бор, инспектор бунга кизиқиб қолди.

Бове майдончасида шляпали эркак ўйланганча бироз тўхтаб турди. Кейин хаёлида қандайдир айёрликни ўйлаб, шимининг пойчаларини икки марта кўтариб туширди. Шундан сўнг бола ички ишлар бошқармасини кўриқлаб турган сокчи рўпарасига ўтирди-да, иккита кичкина хоч шаклини чизди. Елисей саройига яқинлашганда улар ўша ҳолатни яна такрорлашди. Фақат йўлак бўйлаб у ёқдан бу ёққа юриб турган сокчи олдида энди иккита эмас, учта хоч чизиб қолдирилган эди.

–Жин урсин! – гулдиреди Ганимар хаяжондан ранги бўзариб ва сирли найрангбозларнинг ҳаракатини қузатаркан азалий душмани Люпен унинг ёдига тушди. –Жин урсин, булар ниманинг аломати ўзи?

Иккаласининг ҳам ёқасидан бўғиб олгиси қелди. Лекин у етарлича ақлга эга бўлиб,

чукур ўйламасдан бир ишга кўл урмасди. Кейин нотаниш одам сигарет чекди, бола ҳам лабига сигарет кистириб, тутатиб олиш учун унинг олдига келди. Улар бир-икки оғиз гаплашиб олишди. Бола яшин тезлигида ниманидир унга оширди. Инспекторга бу револьвер бўлиб туюлди.

Кейин улар шошилганча Сюрен кўчаси бўйлаб кетишди. Инспектор уларнинг диққатини тортмаслик учун эҳтиёткорлик билан кузатиб бораркан, халиги гаройиб жуфтликнинг учинчи ва тўртинчи каватларидан бошка каватлардаги деразалари ёғоч эшиклар билан беркитилган эски бино дарвозаси ортига ўтиб кетганларини кўриб колди. Юкорига кўтарилиб очик турган эшикка кўзи тушди. Шовкинга бироз кулок тутиб тургач, нафасини ичига ютиб, эҳтиёткорлик билан ичкарига кадам кўяркан, стуллар билан полни уриб такиллатаётган халиги икковини кўрди. Шу лахза кўшни хонадан кимдир чикиб келди. Бу 28-30 ёшлардаги кўринишидан русларга ўхшаш бакенбардли ва мўйловдор, кўзойнак такиб олган киши эди. Эғнида смокинг.

–Хайрли тонг, Ганимар, – дўстона саломлашди у ва инспекторга сирли бўлиб туюлган одам билан болага каради. – Рахмат сизга дўстларим, муваффақиятли чиккан иш учун менинг табригимни кабул килинглар. Мана сизга ваъда килинган мукофот, – шу сўзларни айтаркан, уларнинг кўлига юз франкли битта банкнот туказди. Гаройиб жуфтлик пулни олиб хонадан чикди. Уларнинг ортидан эшик ёпилди.

–Узр, ёшулли, – кечирим сўради навкирон киши, – сиз билан гаплашмокчи эдим...

–Ганимарнинг таажжубланиб турганини кўриб сўздан тўхтади у. – Сиз нима гаплигини тушунмадингизми? Мен бўлсам, сизни ўта аклли деб хисоблагандим! Сиз билан учрашиш ниятида эдим... Айтинг-чи, энди нима килсам бўлади? – Йўк, йўк, ёшулли, янглишасиз.

Агар сизга хат ёзганимда ёки кўнгирик килганимда, ҳеч шубҳасиз, олдимга келмасдингиз... Лекин сизни олиб келиш учун бир полк аскар керак бўлди. Сиз билан ёлғиз учрашиш ниятида уларни жалб килиб, апельсин пўчоги ва деворларга чизилган хоч белгилари ёрдамида эътиборингизни тортишимга тўғри келди. Сиз ҳамон саросимадамисиз? Йўг-е, мени танимадингизми? Мен – Люпенман... Арсен Люпен. Хотиранингизни титкилаб кўринг... Нахотки, бу ном сизга ҳеч нарсани англаймаётган бўлса?

– Ярамас малун! – деди тишланганча Ганимар.

Арсен Люпеннинг пешонаси тиришди ва деди:

–Жахлингиз чикаяптими? Ха, мен буни кўзларингдан пайкаб турибман. Ўша Дагриваль иши туфайлида-а? Лекин бу суҳбатимизга соя солмаслиги керак эмасми? Аваллари сира бундай бўлмасди. Ишонтириб айтаманки, бундан кейин...

– Сен кабир одамсан! – газаб сочди Ганимар.

– Мен эса кувончдаман! "Бу учрашувлар ёшулли Ганимарнинг ҳам кувончига сабаб бўлади", деб ўйлагандим. Ахир биз жуда узок вақт учрашмадик.

Ганимар ҳамон ўзини ўнглаб ололмаган ва саросималанганча атрофига аланглари, кейин Люпенга каради, ўзини чимчилаб кўрди ва тушундики, тушида эмас, ўз душманини хушида кўриб турарди.

– Гапир, – деди у. – Вақтимни олма, бекор колган вақтим йўк.

– Бу жуда соз, – жавоб килди Люпен. Гаплашиб оламиз. Суҳбат учун бу ердан тинчрок жойни тополмаган бўлардик. Бу кадимий уй герцог Ришельега карашли. Герцогнинг ўзи бу ерда яшамайди, рассом ва безакчи сифатида менга ташлаб кетган. Тинч жой. Мен собик вазир мсье Дебрейл номида юраман. Тушундингизми? Одамлар эътиборини тортишни хохламайман...

– Бу сафсаталарга мени ишонди деб ўйлайсизми? – унинг сўзини бўлди Ганимар.
– Жуда соз. Гапни киска киламан. Сиз шошилмокдасиз, мени кечиринг. Сизни узок ушлаб турмайман... Беш дакика ва тамом. Шундай килиб бошладим... Сигарет чекасизми? Йўкми?

У столга ўтираркан бармоклари билан уни черта туриб хикоясини бошлади:

– 17 октябрь 1599 йил. Кузнинг иликки куни... Эшитяпсизми? Билмадим, Генрих IV хукмронлиги тўғрисида ва Понт-Неф курилиши хақида сизга гапириб беришнинг холати бормикан? Ўйлайманки, Франция тарихидан хабардор эмассиз, бу хикоям билан сизни чалгитаман, холос. Кеча тунда юк кемасида сузиб келаётган бир одам Понт-Неф кўприги остидан ўтаётди чап сохилдан нимадир сувга ташлаб юборилганини пайкаган. Ниманидир Сена дарёси тубида ташлаб юборишган. Кема бортидаги ит ўзини сувга отиб, дарёдан кандайдир тугунни кўтариб чиққан. Халиги киши тугунни олган, итни сувдан чиқарган ва тугун ичида нима борлигини аниқлаш учун каютага кирган. Топилдик уни кизиктириб колган ва у менга одам юборган. Ўша куни эрталаб мен тугундаги сирли нарсага эга бўлдим ва баъзи бир нарсаларни аниқладим. Мана улар.

У стол устидаги газета бўлакларига ишора килди. Ўша ерда катта шиша сиёҳдон бўлиб, унга боглаб кўйилган бир бўлак шардуз кўриниб турарди. Шиша синиклари, гижимланган картон, латта бўлаклари ҳам бор. Ва ниҳоят, стол устида кизил рангдаги бир парча шохи матох.

– Кўряпсизми, бизнинг топилдигимизни, ёшлигимнинг дўсту хамрохи, – деди Люпен. – Шубха йўкки, ит тугунни сувдан олиб чиқаётганда нарсаларнинг бир кисми тушиб колган, акс холда бу топишмокни осонгина ечса бўларди. Аммо ўйлайманки, масаланинг тубига етиш учун шуларнинг ўзи хам етарли. Факат бунга сизнинг аклингиз ва кобилиятингиз бўлса бас. Сизни кизиктираяптими бу иш?

Ганимар холатини ўзгартирмади. У масхараомуз сўзлар билан Люпен устига ташланишга тайёр эди, аммо ўзини босди.

– Шуниси аёнки, биз бир хил фикрлаймиз, – деди Люпен инспекторнинг сукутига эътибор бермай. – Мен мана бу нарсаларга таяниб, ўз фикримни кискагина баён этмокчиман. Кеча соат тўққиз билан ўн икки оралигида ёш ва латофатли бир аёл пичок билан ярадор килинган ва кўзойнакли ёш, голят келишган хамда спорт билан шугулладиган жаноб томонидан бўғиб ўлдирилган. Ана шу жаноб билан халиги аёл емакхонада ўтириб, учта эклер еган ва кофе ичган.

Ганимар сигарета чекди ва Люпеннинг енгидан ушлади.

– А-ха, бу сизга ёкмади инспектор. Жиноят кидирув ишлари факат полицияга тааллукли, бошқалар учун бу имконсиз деб ўйлайсиз-да?! Тўғри эмас, азизим! Сиз, Люпен факат алдашга кодир деб ўйлайсизми? Менинг хулосаларим жуда хайротомуз ва жуда оддий, – деди у ва стол устидаги нарсаларни навбатма-навбат кўлга олиб хикоясини давом эттирди.

– Айтганимдай, бу воқеа кеч соат тўққиздан кейин рўй берган. Мана, газетанинг кечги сони. Унинг тепасида эса "Кечки нашр" деб ёзилган. Мана бунга каранг. Сарик когоз изларини кўрдингизми? Бу одатда обуначининг манзили ёзиладиган, нарса ўраш учун ишлатиладиган когоз бўлакчаси. Газетанинг кечки сони коюдага кўра, соат тўққиздаги почта билан келади. Мен: "келишган эркак" дегандим. Мана бу шиша синигига каранг, бу ерда бор-йўги бир хил шиша. Демак, бу лорнет (дастали кўзойнак, изох бизники), мана дастасининг изи ҳам бор. Юкори табака кишиларидан бўлак ким лорнет олиб юради. Олифта кийинган эркак пишириклар дўконига кирган. Картон бўлаклари пирожний

кутисиники. Мана, эклер кремидан колган излар хам бор.

Ана шу пакетни кўлтиклаб олган бизнинг лорнетли ёш аслзодамиз кандайдир ажойиб бир хоним билан учрашади. Бу хонимнинг ажойиблиги шундаки, у алвонранг шарф ўраб юрарди. Аёл билан учрашгандан кейин – бизга хозирча номаълум сабабларга кўра – унга пичок уради ва сўнгра мана шу шарф билан бўғиб ўлдиради. Диккат билан карасангиз, инспектор, шарфда корамтир-кизгиш дог борлигини кўрасиз. Мана бу жойига пичокни артган, бу жойини конли панжалар гижимлаган. Жиноят содир этилгач, котил изини йўкотишга уринган. У чўнтагидан газетани (дарвоке, худди шу газетада от спорти хакидаги хабарлар босилади) ва ипни олади. Бу унинг спортга кизикишини кўрсатмайдими? Кейин у шарфни кайчи билан киркади. Шарфнинг иккинчи бўлаги мурданинг кўлида колади. Шарфдаги конли излар, ҳеч шубҳасиз, қурбон бўлган аёлники. Кейин уларни картон бўлагига ўрайди, хозир Сена тубида ётган пичокни хам унинг ичига солади. Тугунчани ип билан боғлаб, кема ўтаётган пайтда сувга ташлаб юборади. Умуман, хаммаси – шу! Фу! Огир иш. Нима дедингиз?

У хикояси кандай таассурот қолдирганини билиш учун Ганимарга каради. Инспектор ҳамон жим эди.

Люпен кулди.

– Кўриб турибман, бу воқеа сизни хайратга соляпти ва зардангизни кайнатяпти. Сиз: "Кандай шайтон чалиб Люпен котилни ўзи топмасдан ва ундан катта пул ундирмасдан бу ишни менга тикиштиряпти?" деб ўзингизга савол бераяпсиз. Ўринли савол. Лекин, масаланинг битта "лекини" бор. Гап шундаки, менинг вақтим йўқроқ.

Хозирги пайтда ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди: Лондонда, кейин Лозанада кулфбузарлик рўй берган, Марселда ёш бола ўгирланган. Бунинг устига айна пайтда бир кизнинг хаёти ўлим хавфи остида турибди. Умуман, айтадилар-ку, бахтсизлик кўша-кўша юради деб. Шуларни ўйлаб: "Бу ишни кадрдон дўстим Ганимарга топширсам-ку бўлади, хаммасини у аниқ ва осонгина хал қилади. Каранг, мен унга кандай ёрдам беряпман! Бу ишда Ганимар ўзининг нималарга кодирлигини намойиш этади!" дедим ўзимга-ўзим. Ва эрталаб соат саккизда йигитларни сафарбар этдим. Ва мана, сиз менинг хузуримда турибсиз!

Люпен ўрнидан турди, инспекторга яқинлашди ва деди:

– Бўлгани – шу. Энди сизга хаммаси маълум. Жасадни дархол топа оласиз. Тахминимча, у бирорта концерт залининг ўйинчиси ёки кўшиқчиси. Жиноятчи эса менинг тахминимча, дарёнинг чап соҳилида, Понт-Неф кўприги яқинида яшайди. Ва ниҳоят, сизга манави ашёлар. Улар сизнинг ихтиёрингизда. Ишни бошланг. Факат мен мана бу бир бўлак шарфни олиб коламан. Агар сизга унинг зарурати бўлса, жасад бўйнида қолган қисмини олиб келарсиз. Бугун 29 декабрь, соат 10. Роппа-роса тўрт хафта кутаман. Бемалол ишонаверинг, ҳеч қачон кетмайман. Кўркманг, касам ичиб айтаман-ки, булар хаммаси жиддий иш, ёшлигимнинг дўсти-хамроҳи. Хазил қилаётганим йўқ. Шаъним хаки, сўз берман.

Энди бораверинг. Ха, дарвоке, агар ўша одамни қўлга олиш зарурати тугилса, огоҳ бўлинг, у чапакай.

Кўришгунча хайр, дўстим, омад сизга ёр бўлсин!

Инспектор хушини тўплаб олишга улгурмай, Люпен ортига ўгирилди ва хонадан чиқиб кетди. Инспектор унинг ортидан отилди ва англадики, эшик унга маълум бўлмаган кандайдир усул ёрдамида кулфланиб қолган эди. У уйдан чиққунича йигирма дақиқа ўтди. Арсен Люпенни камокка олиш тўғрисида энди ўйлаб ўтириш бефойда. Бунинг

устига хозир камокка олишни истамасди хам. Люпен уни рухлантириб юборди ва инспектор ўзининг собик душманига нисбатан янги бир хиссиёт туйди. Кўркув, кўролмаслик, койил колиш хаммаси аралашиб кетганди. У ишига йўл олди ва йўл бўйи бўлиб ўтган воқеани мулохаза килди. Кизил шарф воқеаси уни кизиктириб кўйганди. Бу жуда кизик ва одатдан ташкаридаги воқеа бўлиб туюларди. Арсен Люпеннинг хулосалари катъий мантикка асослангани билан инспекторни койил колдирди.
– Йўк, у хазиллашмаяпти, – деди ўзига-ўзи.

Ганимар Сохилбўйи Орфеврдаги полиция маҳкамасига кадам кўйганида хам бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ўйларди.

– Сиз шефни кўрдингизми?–сўради ундан инспекторлардан бири.

– Йўк.

– Сизни йўклаштирган эди.

– Шундайми?

– Яхшиси, унинг хузурига боринг.

– У каерда ўзи?

–Берни кўчасида. У ерда тунда котиллик рўй берган.

– Жабрланувчи ким экан?

– Анигини билолмадим. Канакадир кўшикчи киз?

–Вой, худойим-ей! – гулдиради Ганимар.

Ўлдирилган киз санъат соҳасида дунёга танилган ва Женни Сафир деган сахнавий ном олган кўшикчи эди. У одатдаги уйларнинг бирида, иккинчи каватдаги кичкина хонада яшарди. Полициячи катта инспекторни юқорига бошлаб чикиб хонани кўрсатди. Икки хонали квартира аллақачон ҳукумат намоёндалари ва мсье Дюдуи бошчилигидаги жиноят кидирув органи ходимлари билан тўла эди.

Ганимар хонани тааажжуб ичра кўздан кечирди, кенг ва юмшок диван устида кўлига кизил шарф боғланган ёш аёлнинг жасади ётарди. Унинг кўксида пичок зарбидан колган ва кони котган иккита яра, юзида дахшат ифодаси.

Хирург текширувни тамомлади ва деди:

–Биринчи хулоса аник. Унга икки марта пичок урилган, кейин шарф ёрдамида бўгилган.

Ўлим бўғиш оқибатида рўй берган.

– О, худойим-а! – яна гўлдираб кўйди Ганимар Арсен Люпеннинг гапларини эслаб.

– Лекин бўйнида бармок излари кўринмайди, – лукма ташлади изкуварлардан бири.

– Уни сочик ёки кўл рўмолча ёрдамида бўгган бўлиши хам мумкин, – тахминлади врач.

– Албатта, шундай бўлган, – бу фикрга кўшилди шеф ва кўшимча килди: ўша шарфдан фойдаланган бўлишлари хам мумкин. Кўраяпсизми, кўли шарфнинг бир бўлаги билан боғланган, иккинчи бўлаги уни бўғиш учун ишлатилган шекилли.

– Лекин нима учун шарфнинг факат бир бўлаги колган? – сўради магистрат аъзоси.

–Иккинчи бўлаги каерда?

– Иккинчи бўлагида кон излари колган бўлса, котил уни ўзи билан бирга олиб кетган.

Каранг, у шарфни кайчи билан шошилиш тарзда кесган.

– Ё парвардигор! – гулдиради Ганимар. – Люпен, хатто жиноят содир бўлган жойни кўрмасдан хам хаммасини билади.

– Жиноят нима учун рўй берган? – сўради магистрат аъзоси. –Бу ерда хамма нарса

агдар-тўнтар килинган. Бу ҳақда сиз бирор фикр билдирмокчи эмасмисиз, мсье Дюдуи.

– Мен хизматкор аёлнинг тушунтириш хатига асосланаман. Яхши кўшикчи сифатида танилган бу киз икки йил аввал Россиядан сарой аъёнларидан бири совга килган ажойиб зумрад тошни олиб келган. Женни ҳеч қачон уни такмаган бўлса-да, бундай совгадан жуда фахрланиб юрган. У хатто ўзига шу тошга уйқоч исм ҳам танлаган –Сафир. Агар биз жиноят ана шу зумрад туфайли рўй берган деб хулоса чиқарсак, ҳақиқатга яқин борган бўламиз.

– Хизматкор аёл бу тошнинг қаерда сакланишидан хабардор бўлганми?

– Йўқ, буни ҳеч ким билмаган. Хонадаги тартибсизликдан кўринадики, жиноячи тошнинг қаердалигидан хабарсиз бўлган.

– Хизматкор аёлни сўрок киламиз, – хулоса килди магистрат аъзоси.

Мсье Дюдуи ўгирилиб караб бош инспекторни кўриб колди.

–Хоргин кўринасиз, Ганимар. Нима гап? Бировдан шубхангиз борми?

– Йўқ, шеф.

-Афсус. Биз бу иш юзасидан шов-шув кўтарсак департаментда шухрат қозонган бўлардик. Бу энг ноёб жиноятлардан бири. Биз зудлик билан жиноятчини топишимиз зарур.

– Бу осон кечмайди, шеф.

– Топишимиз керак. Кулок солинг, Ганимар. Оксоч аёлнинг айтишича, Женни Сафир хаётдан лаззат олиб яшашни яхши кўрган. Бот-бот меҳмон қабул қилган. Ўша кеча у концерт залидан ўн бир яримда эркак киши билан қайтган. Ярим тунгача бирга бўлишган. "У аслзодалардан. Менга уйланиш ниятида", дер экан Женни. Аслзода одам деганлари ўта эҳтиёткор ва сезгир киши бўлган. Шунчалик эҳтиёткор эканки, дарвозабон олдидан ўтаётиб пальтосининг ёқасини кўтариб, шляпасининг четларини тушириб оларкан. У келишидан олдин Женни Сафир оксоч аёлни жўнатиб юбораркан. Ана шу одамни кидиришимиз керак.

– Ундан бирор белги қолганми?

– Ҳеч нарса. Кўриниб турибдики, у ярамас жуда ақлли, жиноят қилишдан аввал уни роса пишиқтирадиган ва ҳеч қандай из қолдирмасликнинг йўлини биладиган одам. Уни қўлга олиш бизнинг муқаддас бурчимиз. Бу ишни сизга ишонаман, Ганимар.

– Нахотки, менга шеф? – деди инспектор, – яхши, ўйлаб кўрамиз... Биз ўйлаб кўрамиз... Мен айтмокчи эмасдим... Факат...

У жуда хаяжонланарди. Бу ҳолат мсье Дюдуининг энсасини қотирди.

– Факат, –давом этди Ганимар, – касам ичиб айтаманки, шеф, мен касам ичаманки...

– Нимага касам ичасиз?

– Ҳеч нарсага... Биз ўйлаб кўрамиз, шеф... Ўйлаб кўрамиз...

Ганимар ёлғиз қоларкан, узок вақт ўзига келмади. Сўнгра шефига таъқидлаган ўша гапнинг давомини айтди.

– Факат осмон хақи касам ичаманки, уни қўлга олиш менинг вазифам эди, ахир бу ишнинг қалитини ярамас Люпен менга тутқазганди. О, лекин бундай қилолмайман!

Ганимар Люпен томонидан таклиф этилган масалани ечишга узок бош қотирди.

Энди ҳаммаси унинг айтганини тасдиқлаб турибди, шунга қармай, Люпен далиллар бўшлигидан қандай қилиб бу даражада аниқ хулоса чиқара олдидикин. Хар ҳолда агар Люпен ҳақ бўлса, галаба инспекторнинг қўлида.

Ганимар емакхонада шоша-пиша тамадди қилди-да, кўчага чиқди, аммо йўлда

ажабланганча тўхтаб қолди. У Люпен томонидан алдаб олиб борилган ўша Сюрен

кўчасидаги чоғрок уйнинг дарвозаси олдида турарди. Бу ерга уни иродасидан ташкари қандайдир куч етаклаб келган эди. Сирнинг калити шу ерда, факат шу ерда. Тахминлар ва эҳтимоллар аниқ ва ҳақиқатга шу қадар яқин ҳамда шу қадар гаройибу беҳато эдики, худди бу ўзининг одатдаги хусусий ишига ўхшарди.

Инспектор барча шубҳаларга қўл силтаб уйга кирди-да, зина бўйлаб юқорига кўтарилди. Хона эшиги очик эди. Халиги нарсалар жой-жойида турарди. Инспектор шошқин бир тарзда уларни чўнтагига тикди-ю, чиқиб кетди. Ўша лахзада инспектор қандайдир кўзга кўринмас куч таъсирида фикрлар, беихтиёр ҳаракат қилар, унга қаршилиқ кўрсата олмас ва унга бўйсунарди.

Понт-Неф кўприги яқинида яшайдиган номаълум кимсани кидиришдан аввал окшом пайти ишлайдиган шираворлар дўконини топиш керак эди. Бу кўп вақтини олмади. Сен-Лазар вокзали яқинидаги кандолат дўқонида унга дарёдан топилган тугундагига ўхшаш картон кути беришди. Бунинг устига сотувчи кизлардан бири ўша окшом мавсумий пальтосининг ёқасини кўтариб олган бир жаноб дўқонга келганини ва унинг лорнети ҳам борлигини кўрганини айтиб берди.

– Мана, муаммонинг калити, – хаёлдан ўтказди инспектор, – демак, у лорнет олиб юради. Кейин инспектор матбуот таркатувчига газета бўлакчасини кўрсатди. У газета парчаси "Терф Иллюстре"дан олинганини аниқлаб берди.

Ганимар таҳририятга кириб, обуначилар рўйхатини сўради. Понт-Неф кўпригидан унча узок бўлмаган жойларда яшовчиларнинг номларини ёзиб оларкан, Люпеннинг сўзини эслаб, чап сохилда яшовчиларни алоҳида белгилади. Шундан сўнг маҳкамага кайтиб, бир гуруҳ ходимларни чорлаб, уларга керакли кўрсатмалар берди. Ходимлардан энг сўнггиси кеч соат еттиларда хушхабар билан кайтди. Мсье Превалье исмли "Терф" газетасини олувчи киши Августчилар сохилидаги квартирада яшаркан. Унинг эғнида мавсумий пальтоси бўлган, дарвозабоннинг хотинидан хат ва газетасини олиб чиқиб кетганича ярим тунда кайтган. Унинг лорнети ҳам бўлган. У ипподромнинг доимий мижози бўлиб, ўзининг оти ҳам бор экан. Отини гоҳида ўзи минар, гоҳида ижарага бераркан.

Кидирув узок чўзилмади, олинган маълумотлар эса Люпен айтган хикоянинг айнан ўзи бўлиб, изкуварлар берган маълумотлар эса Ганимарни ҳам чарчатди, ҳам зериктириб юборди. Шунча йил жиноят кидирув ишида ишлаб бунчалик аниқликка дуч келмаганди. Бош инспектор мсье Дюдуи хузурига йўл олди.

–Хаммаси тайёр, шеф, рухсатнома берасизми?

–Нима?

–Камокка олиш учун ҳамма нарса тахт деяпман, шеф.

–Сиз Женни Сафирни ўлдирган кишининг исмини аниқладингизми?

–Ха.

–Қандай қилиб? Қай йўл билан? Тушунтиринг!

Ганимар бироз виждони қийналаётганини сезди, бироз хижолат тортди. Шунга қарамай давом этди.

– Мутлако тасодиф, шеф. Сенага ташланган нарсалар воситасида котилни топдик. Тасодифий бир ҳолат туфайли сувга ташлаб юборилган тугунчани топган киши уни менга олиб келган эди.

– Ким?

–Уни олиб келган киши ноҳуш ҳолат рўй беришидан чўчиб номини айтишни лозим кўрмади. Лекин сирнинг калити менинг қўлимда. Бу мен кутганимдан анча осон рўй

берди.

Инспектор бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди.

– Сиз шундай ишни тасодиф дейсизми? – таъсирланиб гапирди мсье Дюдуи. – Яна буни осон кўчди дейсиз-а! Ахир бу сизнинг энг ёркин ишингиз!

Ганимар ишни нихоясига етказишга отланди. Унинг одамлари Августчилар сохили бўйидаги уйни ўраб олдилар. Уй эгаси у одамнинг егулик олиб келиш учун кетганини маълум килди. Ганимарнинг одамлари кутиб туришди. Кеч соат тўққизларга якин уй эгаси инспекторга пальто кийган баланд шляпали кишини кўрсатди. У сохил бўйи томон тез-тез юриб келарди. Ганимар катъият билан у томонга юрди.

– Билишимча, сиз мсье Превальесиз?

– Ха. Ўзингиз кимсиз?

– Сизни кўлга олиш учун менда...

У сўзини тугата олмади. Коронгуликдан бир тўда одамлар чикиб келишди. Мсье Превалье ўзини бинога урди-да, елкаси билан дўкон эшигига такалди.

– Кетинг! – кичкирди у – мен сизни танитайман!

Мсье Превалье ўнг кўлида огир тросни махкам чангаллаб турар, чап кўли билан орқадаги эшикни пайпасларди, унинг эшикни очмокчи бўлаётгани аниқ эди.

Ганимар Превальенинг кандайдир яширин йўл оркали кочиб кетишидан кўркиб, унга якин борди.

– Бас килинг, – каршилиқ кўрсатишингиз бефойда, – деди Ганимар ва унинг кўлидаги тросга караб Люпеннинг огохлантиришини эсалади: "жиноятчи чапакай". Ганимар бирдан ерга эгилди, Превалье чап кўли билан пистолетни кўтариб улгурмай унга ташланди ва мушти билан жагига зарба берди. Превалье ерга кулади. Ва кўп ўтмай ўзини камоқда кўрди.

Ганимар азалдан ўз ишининг махоратли устаси эди, аммо бу ишнинг тезкорлик билан очилиши унга шухрат келтирди.

Барча очилмаган жиноятлар ҳам дархол Превальенинг бўйнига илинди, газеталар эса бир-биридан ўткариб Ганимарни мактарди.

Бу иш катта шовкин-суронга сабаб бўлди. Энг аввало, Превальенинг аслида Томас Дреклиги маълум бўлди. Биргина шу фактнинг ўзи хайратланарли эди. Аммо унинг хонаси кўздан кечирилганда жиноятга доир ҳеч нарса топилмади. Орадан саккиз кун ўтгач ҳамма нарса ўзгариб кетди. Шу пайтгача сўроқларга жавоб беришни истамай жим турган Превалье, адвокатнинг маслахати билан тилга кирди ва ишончли алиби кўрсатди. Жиноят рўй берган пайтда у Фоли-Бержер театрида ўтирганлигини айтди. Хакикатдан ҳам унинг костюми чўнтақларидан топилган чипта ва театр дастурида ўша окшом санаси турарди.

– Алиби аввалдан хозирлаб кўйилган, – эътироз билдирди судья.

– Буни исботланг, – талаб килди Превалье.

Шунда уни гувоҳлар билан юзма-юз килишди. Кандолат дўконида ишлайдиган киз "танигандайман" деди. Бержье кўчасидаги дарвозабон ҳам Женни Сафир билан келадиган одам "шу деб ўйлагандим" деди, лекин ҳеч ким аниқ гап айтишга журъат килолмади.

Тергов ишлари боши берк кўчага кириб колганлиги сабабли судья Ганимарни чакириб олиб, унга рўй бераётган кийинчликлар хакида гапирди.

– Бошка имконим йўқ. Кўйилган айбни кувватлаб туролмайман.

– Ўзингиз ўйланг, судья, агар Превалье гуноҳсиз бўлса нима сабабдан кўлга олинишига

каршилик кўрсатди?

– У карокчилар хужум килаяпти деб ўйлаган, айбланувчи шундай кўрсатув бераяпти. Шунингдек, у Женни Сафирни умрида кўрмаганлигини айтмоқда. Унинг эътирозларида ноўрин ҳеч нарса кўрмаймиз. Йўқолган сапфирни, биз Превальенинг хонасидан изладик, аммо тополмадик.

– Бошка бирор жойдадир, – катъий турди Ганимар.

– Мумкин, аммо бу унинг айбдорлигига исбот бўлолмайди. Сизга айтиб қўйишим керак, мсье Ганимар. Кизил шарфнинг иккинчи бўлагини топиш керак. Канча тез топилса шунча яхши.

– Иккинчи бўлагини?

– Ха. Агар котил уни ушлаган бўлса, бармок излари колган бўлиши керак.

Ганимар индамади. Неча кундирки, бу ишнинг охири "вой" бўлиши тўғрисида ўйларди. Шарфнинг иккинчи бўлагини топиш ва уни судьяга кўрсатиш керак, бошка бирор далил йўқ. Агар далил келтира олмаса, Превалье озодликка чиқади ва Ганимар кулгига қолади. Бахтга қарши шарфнинг иккинчи бўлаги Люпенда. Уни қандай қилиб олиш керак?

Ганимар айблов ишини қайта бошдан кўриб чиқди, Превальенинг хаётига доир ҳамма нарсага аниқлик киритиш учун одам юборди. Аммо барчаси беҳуда эди.

28 декабрда судья уни одил суд саройи йўлагига тўхтатди:

– Хўш, мсье Ганимар. Қандай янгиликлар бор?

– Афсуски, ҳеч қандай.

– Унда мен ишни тўхтатаман.

– Яна бир кун сабр қилсангиз.

– Нима ўзгаради бу билан. Бизга шарфнинг иккинчи бўлаги керак. У сиздами?

– Мен уни эрта эрталаб оламан.

– Эрта?

– Ха, факат менга унинг топилган бўлагини беринг. У сизда бўлиши керак?

– Сизнинг илтимосингизни қондирсам бирор ўзгариш бўладими?

– Агар шундай қилсангиз. Мен сизга бутун шарфни такдим этардим.

– Жуда соз.

Ганимар судья билан унинг хонасига борди ва бир бўлак кизил шохи шарфга эга бўлди.

– Люпен панд бермаса эртагаёқ шарфнинг ҳар иккала бўлагини қўлингизга тутказаман.

У Люпендан шубҳа қилмасди, факат Люпен нима сабабдан уни учрашувга қорлади?

Шарф унга нима учун керак эди? Шунини ўйлаб Ганимарнинг боши қотди.

Кизиқиш ва қидамсизликдан сабри тугаган Ганимар тонг отиши билан Люпен хузурига йўл олди. Бу пайтда унинг одамлари ўша мавзени ўраб олишган эди.

– Агар мен учинчи қаватнинг деразасида кўринсам ёки уй ичидан бир соат ичида чиқсам уйга бостириб қириб, у ердаги кишини қўлга оласизлар, деб топширик берди у одамларига.

Сўнгра чўнтагидаги пистолетини пайпаслаб қўйиб, уй томон юрди.

Ҳамма нарсанинг авалгидек жой-жойида турганини кўриб Ганимарнинг хайрати ошди.

Деразага бир кўз югуртириб олиб, хоналарни бир-бир қараб чиқди. Жон асари йўқ.

– Люпен кўркибди, – дея ишончсизлик билан гулдирди у.

– Бемаъни гапларни гапирманг, – деган овоз эшитилди ортидан.

Инспектор чакконлик билан ўгирилиб қараб, комбинзон кийиб олган кекса ишчини кўрди.

– Хаяжонланманг, – деди ишчи, – мен Люпенман. – Эрталабдан бери ишлаётган эдим,

энди нонушта килишим керак.

У ажабтовур жилмайиш билан Ганимарга каради ва хитоб килди:

– Ўз вақтида хозир бўлдингиз, ёшулли! Хаётингиз мен учун азиз. Сизни канчалар севишимни биласиз-ку! Бу ҳақда фикрингиз қандай? Хаммаси ўйлаганимдек бўлиб чиқдими-а?! Бошланишидан менга маълум бўлган экан-да! Хўш, бундай ишларни қай даражада эплар эканман? Қандай сезгир ақл, Ганимар. Воқеа қай даражада тикланди! Қандай топкирлик! Хайротомуз даражада кўра билиш! Сизга шарф керакми?

– Ҳа, иккинчи бўлаги. У сиздами?

– Албатта. Икковини бирга кўйишингизни сўрайман.

Улар кизил матохнинг иккала бўлагини ёнма-ён кўйишди. Киркимлар бири-бирига тўла мос эди, ранги тўгрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

– Бирок, мен ўйлайманки, бу ерга фақат шарф учун келмагансиз, – деди Люпен, – сиз кон изларини кўрмокчисиз. Дераза олдига борайлик, бу ер коронгу, Ганимар.

Улар кўшни хонага ўтиб, дераза олдига боришди. Люпен шарфни дераза тоқчасига ёйиб кўйди.

– Каранг, – деди у Ганимарга боши билан имо килиб.

Инспектор шарф устига эгилди. Беш панжанинг изи аниқ кўришиб турарди. Рад этиб бўлмайдиган далил. Котил Женни Сафирнинг шарфига из қолдирган эди.

– Бу чап кўлнинг изи, – деди Люпен. – Ёдингиздами, сизни огохлантирган эдим, мени жодугар деб ўйлашингизни истамайман.

Ганимар шохи матох бўлагини дархол чўнтагига урди. Люпен маъқуллаб бош силкиди.

– Хаммаси жойида, ёшулли. Мени жуда мамнун этдингиз! Бу ерда ҳеч қанака тузук йўқлигини кўриб турибсиз... Мен эски ошнам билан яқин бўлишни истаганим, холос. Лекин шарфнинг сиздаги бўлагига жуда кизикияпман, уни диққат билан бир кўздан кечирсам... Кўркманг... Ўзингизга қайтараман... Фақат бир дақиқага...

Люпен шарфнинг иккинчи бўлагини олиб кўздан кечира бошлади, Ганимар унинг мингирлашига кулок тутди:

– Бундай ишларни нақадар хайротомуз бажаришади аёллар! Сиз оксоч аёл берган гувоҳликнинг бор жихатига эътибор қилдингизми? Женни Сафир ўзига кўйлак ва шляпа тикиб кийишни маҳорат билан бажарган. Кўришиб турибдики бу шарфни ҳам унинг ўзи тайёрлаган... Буни бирдан пайқадим. Мен ҳақиқатдан ҳам жуда кизикувчанман, чўнтагингиздаги бўлакни диққат билан текшириб. Унинг учида, пўпакларига яқин четида бечора киз ўз кўли билан тикиб кўйган кичкина туморчани топган эдим. Бечора шу тумор бахт келтиришига ишонган. Бу таъсираланарли эмасми, Ганимар? Аммо кичкина туморча бизнинг хонимимизга унчалик фойда бермади.

Инспектор хайратланган кўйи Люпендан кўз узмай қараб турар, у эса давом этарди:

– Шунда мен ўз-ўзимга: "Полициянинг кўлидаги иккинчи бўлакни текшириб кўриш жуда кизик бўларди", деб ўйладим. Мендаги бўлагига туморча бор эди ва мен ўйладимки, "иккинчи бўлагига ҳам шунга ўхшаш нарсани яшириб кўйишинг нимаси ёмон". Сиз нима деб ўйлайсиз, кадрдон дўстим? Масалан, сапфирга ўхшаш кимиатбаҳо тош яширилган бўлса-я?

У сўзини тамомлаганда кўлида ложувард тош ялтираб кўринди.

– А-ха! Айтмаганмидим сизга, ёшлиқдаги кадрдон дўстим?

У бошини кўтариб инспекторнинг кўзларида ёввойи бир ифодани кўрди. Инспектор топилдиққа изтироб ичра қараб турарди.

– Ярамас, – гулдирарди инспектор, – хароми!

Юзма-юз туришарди улар.

– Уни менга беринг, – буюрди инспектор.

Люпен унга шарф бўлагини узатди.

– Ферузани ҳам, – катъий талаб килди инспектор.

– Ахмокликни йигиштиринг.

– Кайтариб беринг ёки...

– Нима ёки, тентак! – хайкирди Люпен. – Нахотки, мени текиндан-текинга ёрдам беради, деб ўйлаган бўлсангиз?

– Дархол кайтариб беринг, – ўз сўзида туриб олди инспектор.

– Сиз нимани ҳам билардингиз, мен тўрт хафта давомида худди охудай эҳтиёткорлик билан ҳаракат килдим, сиз бўлсангиз... Кўйинг, ёшулли. Тошни сув тагида колган деб хисобланг. Ўтирайлик! Сигаретга тобингиз қалай?

Ганимар ўзининг изкуварлари келишини кутиб Люпенга газаб билан қараб турарди. У турган хона ховли тарафда эди, шундай бўлса-да деразадан ўзини кўрсатишни ўйлади.

– Мен сизни тўнка деб хисоблаганда ҳақ эдим. Шарф кўлингизда эди, сиз бўлса уни пайпаслаб кўришни ҳам ҳаёлингизга келтирмагансиз. Кизгина нима учун бу шарфни ҳар доим боғлаб юргани тўгрисида ўзингизга савол бериб кўрмагансиз.

Люпен ортига ўгирилганидан фойдаланган Ганимар ўзини эшикка урди. Аммо эшик кулф эди. Люпен унинг ортида хохолаб куларди.

– Бугун ҳам сизнинг фахмингиз етмади. Менга тузок кўйдингиз, мен бу ҳақда билиб қолишим мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмадингиз. Хатто эшикнинг кулфини текшириб ҳам кўрмай ичкарига кирдингиз. Энди ўзингизни нима деб ўйлайсиз?

– Нима деб ўйлайман? – кичкирди Ганимар пистолетини чиқариб Люпенга тўгриларкан. – Кўлингизни кўтар! Мана мен нима деб ўйлайман!

Люпен елка кисди.

– Ҳеч ўзгармабсиз.

– Кўлингизни кўтар!

– Уни чиқиндихонага ташлаб юборинг.

– Нима?

– Қария Катрин, сизнинг оксочингиз, кўпдан бери менинг хизматимда. Сиз кофе ичаётганингизда у пистолетингиздан ўқларни олиб кўйганди.

Ганимар пистолетни чўнтагига соларкан Люпенга вахшиёна назар билан қаради.

– Ҳўш, – деди саволомуз охангда Люпен инспекторнинг рўпарасида туриб.

Улар бир-бирларига анча вақт тикилиб қолишди.

Ганимар ўтмиш тажрибасидан билардики, Люпен билан олишиш ақлсизлик. Кўлидан ҳеч нарса келмаслигини хис этди инспектор.

– Сиз сари ҳам борайлик, – давом этди Люпен, – Ганимарнинг жим турганига эътибор қилмай, – яхшиси, бу ишни ўз холича қолдиринг. Ўйлаб кўринг, ёшлиқдаги дўстим. Агар шундай қилсангиз бу сизга шуҳрат келтиради. Хизматда давом этиш ва қариганингизда яхши яшаш имконини беради. Ўйлайманки, сиз бечора Люпенни қамамайсиз ва ундан зумрад тошни тортиб олмайсиз. Ахир Люпен ҳаётингизни асраб қолди... Ҳа, мсье! Бу қилган ишингиз сизнинг шунча яхшиликка билдирган миннатдорчилигингизми?

Превальенинг чапақайлигини қим айтиб берди сизга? Мен сиздан рози эмасман, Ганимар.

Шу гапларни айтганча, Люпен хона бўйлаб кезинарди. Эшик яқинига бориб уни очди. Ва Ганимар англадики, у қочмоқчи. Дунёдаги ҳамма нарсани унутиб Ганимар унга

ташланди, лекин корнига берилган кучли зарбадан учиб бориб девор остига йикилди. Ёпилган эшик ортидан Люпеннинг кулгуси эштилди.

Ганимар орадан йигирма дакика ўтиб, ўзининг одамлари билан учрашаркан, улардан бири шундай маълумот берди:

– Бундан бироз аввал уйдан бир ишчи чиқди. Кўлимга хат туказиб: "Бошликка бер" деди. "Кайси бошликка?" деб сўрагунимча ишчи кўздан йўқолди.

– Хатни беринг.

Ганимар хатни очди. Унда калам билан шоша-пиша тирнаб ёзилган шундай сўзлар бор эди:

"Бу хаддан ташқари ишонувчанликка қарши оғохлантириш, дўстим. Хар қандай гапга ишонавермаслик керак, агарда суҳбатдошингиз, хатто Арсен Люпен бўлса ҳам. Сизнинг биринчи қилган хатонгиз шуки, пистолетда ўк йўқлигига ишондингиз. Иккинчиси, сиз қария Катрин мени сотибди деган хаёлга бориб, унинг садокатига шубҳа қилдингиз. У эса жуда ростгўй ва тартиб-интизомли аёл. Бир кун келиб у билан танишишдан умидворман. Хозирча сизга садокат билан, Арсен Люпен".

Рус тилидан Неъмат Арслон таржимаси